

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИВИЗИ



## СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 102 (18.878)

Чоршанба, 2 май 1984 йил

Баҳоси 3 тийин.

БЕПОЕН ВАТАНИМИЗДА, СЕРҚУЕШ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗДА ТИНЧЛИК, БИР-

ДАМЛИК, ЖИПСЛИК ВА МЕХНАТ БАЙРАМИ — 1 МАЙ ЗУР ШОДИЕНА БИЛАН

НИШОНЛАНДИ. 1 МАЙ ТАНТАНАЛАРИ ПАРТИЯ ВА ХАЛҚИМИЗ БИРЛИГИНИНГ

ЕРҚИН НАМОЙИШИГА АЙЛАНДИ. МЕХНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИР-

ДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙ ИШТИРОКЧИЛАРИ ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИ, КПСС

МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ШУНДАН КЕЙИНГИ ПЛЕНУМЛАРИ ҚАРОРЛА-

РИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА, ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲҚАМ-

ЛАШГА АХДУ ПАЙМОН ҚИЛГАНЛИКЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТДИЛАР.



МОСКВА. 1984 йил, 1 Май. Қизил Майдонда меҳнаткашлар вакиллари байрам намойиши. Суратда: В. И. Ленин Мавзолейининг минбарига.

(ТАСС — УэТАГ телефотоси).

# БИРИНЧИ МАЙНИНГ ҚИЗИЛ БАЙРОҒИ ОСТИДА

### МОСКВА ҚИЗИЛ МАЙДОНИДА МЕХНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ

Космосга чиқиб тушган кишилар планетамизни зангори дейишади. Аммо Биринчи Май куни у қипқизил либосга бурканади. Меҳнат аҳлининг улғу қардошлигига садоқат олтини ичаётган кишилар колонналари кўтариб олган байроқлар жаҳон узра гулхан алангасидек товланади. Биринчи Май байроғига: «Бутун дунё пролетари, бирлашингиз!» деган сўзлар ёзилган. Синфий жанглар баррикадаларида юзага келган бу жанговар давлат империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашнинг умумий сафдаги ўз ўрнини белгилаб оладиган парол каби янграмоқда. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик кунинда совет кишилари, тарихда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг граждандари бутун дунёдаги синфдош нардонларига қизгин салом йўлайдилар. Пролетар маёвқалари хотираси каби кўракка қизил лента тақиб, қизил бай-

роқлардан ранг олган чехралар гулгун ёниб бораётган байрам сафларидаги кишилар шу қардошларнинг ҳамдамчилигини ҳис этадилар. Бизнинг кучимиз, империализмнинг реакция кирдикорлари устидан галаба қозонишимиз гарови мана шу жипсликдир. Тинчлик, Меҳнат, Май сўзларини тарихнинг ўзи ёнмаён қўйган. Биринчи Май арасида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко Москвадаги «Серп и Молот» металлургия заводининг ишчилари билан учрашувда сўзлаган нутқида «Ишчилар синфи ўз табиатига кўра, бунёдкор синфдир» деб таъкидлади. Коммунизм бинокори — совет халқининг ишлари ва фикрининг бунёдкорлик, тинчликка интилиш руҳи билан сугорилган. Ватанимиз пойтахти — Москвадаги Биринчи Май намойиши буни зўр жонига кучи билан тасдиқлади.

Совет кишиларининг фикри, ўйлари, зафарлари, режалари ва умидлари Қизил Майдоннинг тантанали безакларида акс эттирилган. Давлат универсал магазинининг биносига ўрнатилган қизил алвонда К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин сиймолари тасвирланган. Уларнинг номлари бутун дунё меҳнаткашлари учун социал адолат ва бахт-саодат йўлидаги курашнинг илҳомбахш рамзи бўлиб қолган. Ранг-баранг паннодаги «Коммунизм галабаси сари, олға!» даъвати чўтдек товланиб турибди. Ленин тузган Коммунистлар партияси ўз йўлбошчилиги кўрсатган йўлдан комил ишонч билан олға бормоқда. Октябрь йўлбошчилигининг васиятларига садоқат эса партия фаолиятидаги давомийликнинг асосидир, ривожланган социализм жамиятини ҳар томонлама такомиллаштириш борасидаги улкан ишлар муваффақиятининг гаровидир. Бу эса партия билан халқ-

нинг стратегик вазифасидир. Уларнинг мустаҳкам бирлиги, ленинча йўлнинг метинчилиги КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари, СССР Олий Советига ўтказилган сайлов, унинг биринчи сессиясининг иши яна очик-ойдин намойиш этди. Мамлакатнинг энг катта майдони узра СССРнинг давлат байроғи, иттифоқдош республикаларнинг байроқлари ҳиллираб турибди. Кремль деворига совет халқлари бузилмас қардошлигининг рамзи сифатида ССР Иттифоқи герби, эркин ва тенг республикаларимизнинг герблари ўрнатилган. Спасский миносаридаги соат стрелкалари ўнга яқинлашади. Москва меҳнат аҳли намоёндаларининг дастлабки колонналари Қизил Майдонга кириб кела бошлади. Сафлар узра КПСС Марказий Комитети Сибсий бюроси аъзоларининг портретлари кўзга ташланади. Ўртоқ К. У. Черненконинг:

«Партиямизнинг, халқимизнинг Ленин васиятларига амал қилишга шайлиги муштаҳкам» деган сўзлари ёзилган транспарант байроқлар орасида кўтариб олиб келинади. Намойиш қатнашчилари майдоннинг каттагон квадратига тўрт колонна бўлиб саф тортиб, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Май Чақириқлари ёзилган транспарантлари сафлар тепасида баланд кўтариб олганлар. Бу Чақириқларда партия билан халқ бунёдкорлик фаолиятининг КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари белгилаб берган асосий йўналишларга бутун диққат-эътибор жалб этилган. Плакатлардан бирига «Совет Тинчлик программасини рўёбга чиқарамиз!» сўзлари ёзилган. Дарҳақиқат, тинчлик—социализмнинг идеалидир. Ўз тарихини Лениннинг Сулҳ тўғрисидаги декретидан бошлаган мамлакатимиз Оқ уйнинг авантюричилиги

натijasида хатарли равишда кескинлашган ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда ҳам ер юзида тинчликни изчиллик билан ҳимоя қилиб турибди. КПСС Марказий Комитетининг — империализм агрессив кучларига қарши, ядро уруши хавфини тугатиш учун, ядровий, химиявий қуролларни ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини тақиқлаш учун курашни кенг авж олдиришигиз, — деган даъвати бутун ер юзидаги кишиларга қаратилган. Паннода ишчининг забардаст қўллари баланд кўтарган қизил байроқ тасвирланган. Қиримизи алвонга: «Жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий-озодлик ҳаракатининг иттифоқи муштаҳкамланаверсин!» деган сўзлар ёзилган. Биринчи Май ҳозирги замоннинг мана шу улғу етакчи кучи ўзаро узвий боғланганини синовдан ўтказмоқда. (Давоми иккинчи бетда).

# ТИНЧЛИК ВА МЕХНАТ БАЙРАМИ

### Тошкент меҳнаткашларининг Биринчи Май намойиши

Ўзбекистон пойтахти Биринчи Майнинг баҳорининг ранг-баранг бўёқлари билан, бунёдкорлик ишлари билан жўш урган ҳолда кутиб олди. Тантанادا партия ва меҳнат ветерани, 1920 йилдан бери КПСС аъзоси йўлдош Вобожонов кўп миңлаб тошкентликлар билан бирга қатнашди. Жонажон шаҳардаги Биринчи Май намойишлари катта бир йилнома саҳифалари каби унинг хотирасида сақланиб қолган. Лекин 1925 йилнинг Биринчи Майи, айниқса, эсда қолган. Ушунда эндигина бунёд этилган Ўзбекистон республикаси бу байрамни биринчи бор нишонлаганди. Комсомоллар уйма-уй юриб қўшиқ айтиб, кишиларни майдонга чорлаган эдилар. Советлар ҳокимиятини қўлга киритган ва қарор топтирган шонли Тошкент пролетариатининг вакиллари кўракларига қизил лента таққан ҳолда ҳаммадан олдин қадам ташлаб борардилар. Ушунда темир йўл устaxonалари ва бир неча ярим кустарь корхоналарининг ишчилари пролетариат ўзгини ташкил эттишганди. Минбарлардан нотикларнинг сўзлари жаранглар ва жонажон Ўзбекистон совет миллатлари ҳамдўстлигида муштаҳкамлашиб, куч-куватга ўлғадиган вақт этиб келишига киши ишонарди.

Биринчи Майнинг баҳорининг ранг-баранг бўёқлари билан, бунёдкорлик ишлари билан жўш урган ҳолда кутиб олди. Тантанادا партия ва меҳнат ветерани, 1920 йилдан бери КПСС аъзоси йўлдош Вобожонов кўп миңлаб тошкентликлар билан бирга қатнашди. Жонажон шаҳардаги Биринчи Май намойишлари катта бир йилнома саҳифалари каби унинг хотирасида сақланиб қолган. Лекин 1925 йилнинг Биринчи Майи, айниқса, эсда қолган. Ушунда эндигина бунёд этилган Ўзбекистон республикаси бу байрамни биринчи бор нишонлаганди. Комсомоллар уйма-уй юриб қўшиқ айтиб, кишиларни майдонга чорлаган эдилар. Советлар ҳокимиятини қўлга киритган ва қарор топтирган шонли Тошкент пролетариатининг вакиллари кўракларига қизил лента таққан ҳолда ҳаммадан олдин қадам ташлаб борардилар. Ушунда темир йўл устaxonалари ва бир неча ярим кустарь корхоналарининг ишчилари пролетариат ўзгини ташкил эттишганди. Минбарлардан нотикларнинг сўзлари жаранглар ва жонажон Ўзбекистон совет миллатлари ҳамдўстлигида муштаҳкамлашиб, куч-куватга ўлғадиган вақт этиб келишига киши ишонарди.

Ветеран ҳозирги Биринчи Май тантаналари манзарасига, унинг ҳар бир тафсилотида диққат билан тикилади. Владимир Ильич Ленин номидаги майдон уни қувонтиради. Бу майдон СССР ва қардош республикаларнинг байроқлари, марксизм-ленинизм таълимоти асосчиларининг портретлари, КПСС Марказий Комитети Сибсий бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг портретлари билан безатилган. Бу ердаги меҳмонларга аталган минбарларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, партия ветеранлари, ишлаб чиқариш новаторлари, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари туришибди. Телевизион республика шаҳар ва қишлоқларидаги миллион-миллион меҳнаткашларини В. И. Ленин номидаги май-



ТОШКЕНТ. В. И. Ленин номида майдон. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик кунини — 1 Май намойиши.

В. Молгачев фотоси.

(Давоми учинчи бетда).





